

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНинг
АЖРИМИ
№ 1-1410-2401/147

2025 йил апрель ойининг 10 куни Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ўз биносида очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси З.Ибрагимов, ҳайъат судьялари О.Набиев ва З.Тўраевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Т.Маматқуловнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори Р.Холмуродов, судланувчилар ХХ, ХХ ва уларнинг ҳимоячиси – адвокат Н.Бобобековнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Нуробод туман судининг 2025 йил 4 февралдаги ҳукмига асосан судланувчи



Ҳужжат имзоланган: Ибрагимов Зафар Саҳодинович, 10.04.2025



нисбатан чиқарилган ҳукми устидан судланувчи ХХ ва унинг ҳимоячиси – адвокат Н.Бобобеков ҳамда судланувчи ХХ томонидан келтирилган апелляция шикоятларига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи ХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “г” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 йил 6 ой муайян ҳуқуқдан, яъни умумий ўрта таълим мактабларида директор, корхона, муассаса, ташкилотларда раҳбарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

ЖКнинг 61-моддаси 2-қисми тартибида тайинланган жазоларни алоҳида – алоҳида ижрога қаратиш белгиланган.

Судланувчи ХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б,г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 йил 6 ой муайян ҳуқуқдан, яъни умумий ўрта таълим мактабларида директор, корхона, муассаса, ташкилотларда раҳбарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

ЖКнинг 61-моддаси 2-қисми тартибида тайинланган жазоларни алоҳида – алоҳида ижрога қаратиш белгиланган.

Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисобига тўланган 101.427.500 сўм пуллар давлат фойдасига ўтказиш белгиланиб, ХХдан давлат фойдасига 37.453.500 сўм пуллар давлат фойдасига ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи ХХ 2019 йил октябрь ойдан Нуробод тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли бўлган 67-сонли умумтаълим мактабининг директори лавозимида ишлаб келиб, давлат таълим муассасаси мансабдор шахси ҳисобланиб, ўз мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йилдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 823-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 1-иловасидаги “Баҳолаш мезонлари”да ўқитувчиларга ҳар ойлик устамалар тайинлашда бошланғич синф ўқувчиларининг мактаб миқёсидаги танлов ва бошқа тадбирлардаги иштироки натижалари баҳоланиши кўрсатилган бўлса-да, Низомда кўрсатилган мезон талабларига зид равишда танлов ва бошқа тадбирларда бошланғич синф ўқувчиларининг иштирокини тасдиқловчи буйруқ ва баённомаларсиз 2023-2024 ўқув йилларида мактабнинг 10 нафар ўқитувчиларига, яъни ХХга 4.024.200 сўм, ХХга 4.670.000 сўм, ХХга 3.401.400 сўм, ХХга 4.759.500 сўм, ХХга 4.100.200 сўм, ХХга 1.329.400 сўм,



XXга 4.653.300 сўм, XXга 2.711.300 сўм, XXга 6.013.000 сўм ва XXга 6.368.800 сўм мажбурий ушланмалардан ташқари жами 41.203.300 сўмлик устама пулларини асоссиз равишда тўлаб бериб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи ХХ, 2022 йил февраль ойидан Нуробод туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қаршли бўлган 22-сонли умумтаълим мактабида директор лавозимида ишлаб келиб, давлат таълим муассасаси мансабдор шахси ҳисобланиб, ўз мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йилдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 823-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга кўра, ўқув-тарбия жараёнига шахсий ҳисса қўшаётган, ўз касбига содиқ ва ташаббускор, юқори касб даражасини намоён этаётган педагог, психолог ва кутубхона ходимларини мукофотлаш ва моддий ёрдам белгилаш кўрсатилган бўлишига қарамасдан 2022 йил ўқув йилида 19 нафар педагог, психолог ва кутубхона ходимларига яъни ХХга 1.827.000 сўм, ХХга 1.827.000 сўм, Ф.3га 1.957.500 сўм, Л.Мга 1.957.500 сўм, ХХга 2.958.000 сўм, О.Ага 2.001.000 сўм, Ш.Кга 2.175.000 сўм, С.Пга 2.175.000 сўм, Э.Тга 2.001.000 сўм, Д.Хга 2.175.000 сўм, З.Шга 2.001.000 сўм, Д.Ига 1.218.000 сўм, А.Қга 1.914.000 сўм, С.Мга 1.870.000 сўм, У.Рга 1.914.000 сўм, О.Эга 1.914.000 сўм, У.Мга 1.740.000 сўм, Р.Нга 1.914.000 сўм ва С.Хга 1.914.000 сўм, жами 37.453.500 сўм ортикча ва нотўғри рағбатлантириш маблағлари тўлаб берилишига сабабчи бўлиб, бюджет маблағларини мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, судланувчи ХХ ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йилдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 823-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосан мактаб директори умумтаълим муассасаларида ташкил этиладиган педагог, психолог ва кутубхона ходимларига устамалар белгилаш, моддий рағбатлантириш ва моддий ёрдам бериш бўйича ишчи гуруҳ раҳбари бўла туриб, Низомда ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ижодкорлик ва санъатга қаратилган қўшимча машғулотлар олиб бориш бўйича синфдан ташқари ишларни ҳамда “Фан олимпиадаси” ва бошқа кўрик танловларда ўқувчилар иштироки натижалари баҳоланиши кўрсатилган бўлса-да, Низом талабларига зид равишда синфдан ташқари ишларни ҳамда “Фан олимпиадаси” ва бошқа кўрик танловлардаги ўқувчилар иштирокини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаса-да, 2023-2024 ўқув йилларида мактабнинг 7 нафар ўқитувчиларига, яъни Ф.Тга 9.458.404 сўм, С.Уга 10.948.756 сўм, Б.Шга 2.784.782 сўм, ХХга 4.874.839 сўм, Х.Ога 7.801.184 сўм, Ф.Кга 8.597.978 сўм ва Р.Ага 10.673.384 сўм мажбурий ушланмалардан ташқари жами 55.139.327 сўмлик устама



пуллари асосиз равишда тўлаб берилишига сабабчи бўлиб, такроран бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи ХХ ва унинг ҳимоячиси – адвокат Н.Бобобековнинг апелляция шикоятда, судланувчи ХХнинг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жиноят оқибатида етказилган 41.203.300 сўм моддий зарар қопланганлиги, содир этган қилмиши унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кириши, мактабгача ва мактаб таълим бўлими, касаба уюшмаси ҳамда маҳалладан ижобий тавсифланганлиги, оилавий аҳволи, ёлғиз она бўлиб, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, шундан бир нафари ногирон эканлигини инобатга олиб, уни ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилиш сўралган.

Судланувчи ХХнинг апелляция шикоятда, унинг зиммасига кўйилган 37.453.500 сўмлик айблов эпизоди етарли далиллар билан исботланмаганлиги боис ишни кўришга Нуробод туман мактабгача ва мактаб таълим бўлимига қарашли марказлашган ҳисобхона бош ҳисобчи Б.А, 22-умумтаълим мактаби ҳисобчиси С.А, ушбу мактаб директор ўринбосари Қ.Э ва Иштихон туман ихтисослаштирилган мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Ғ.Мни жалб қилган ҳолда ишни қайта ўрганиб, суд ҳукмини ўзгартириб, унинг зиммасидан ушбу 37.453.500 сўмлик айблов эпизодини чиқаришни ҳамда унга тайинланган жазони енгиллаштириш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят судининг судьяси З.Ибрагимовнинг маърузасини, прокурор Р.Холмуродовнинг суд ҳукмини ўзгартиришсиз, шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, судланувчилар ХХ, ХХ ва унинг ҳимоячиси – адвокат Н.Бобобековнинг келтирилган апелляция шикоятларини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмининг судланувчи ХХга оид қисмини ўзгартириб шикоятни қисман қаноатлантиришни, судланувчи ХХнинг апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланувчилар ХХ ва ХХнинг суд ҳукмида қайд этилган жиноятларни содир этганликдаги айби, уларнинг судда айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, фуқаровий даъвогар Т.Ш, гувоҳлар З.А, Ғ.М, ХХ, Ж.М, Ф.Қнинг кўрсатувлари, жиноят ишидаги тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари, вилоят давлат молиявий назорат бошқармаси томонидан Нуробод тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 22 ва 67-умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилган тафтиш натижаси бўйича тузилган далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар, мутахассис маълумотномалари, ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор каби бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Судланувчи ХХнинг апелляция шикоятда келтирилган важлари билан келишиб бўлмайди.



Чунки, ушбу важлари апелляция инстанциясида сўралган гувоҳ ХХнинг, биринчи инстанция судидаги кўрсатувини тасдиқлаб, ҳақиқатда ИЖКК Департаменти ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси Самарқанд вилоят бошқармаси бош назоратчи-тафтишчиси вазифасида ишлагани, ҳозирда тиббиёт соҳасида ишлаётгани, прокуратура терговчиси томонидан жалб қилинган туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимларига қарашли бошқа туманларда жойлашган умумтаълим мактабларидан келган ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг ўрганиш маълумотларига асосан устама ва рағбатлантириш бўйича нотўғри тўланган пул маблағларини ҳисоб-китобини чиқариб, далолатнома қилиб бергани, тумандаги 22-мактаб мансабдор шахслари томонидан 2023-2024 ўқув йилларида мактабнинг 7 нафар ўқитувчилари, яъни ХХга 9.458.404 сўм, ХХга 10.948.756 сўм, ХХга 2.784.782 сўм, ХХга 4.874.839 сўм, ХХга 7.801.184 сўм, ХХга 8.597.978 сўм, ХХга 10.673.384 сўм мажбурий ушланмалардан ташқари жами 55.139.327 сўмлик устама пуллари, шунингдек 2022 йил ўқув йилида 19 нафар педагог, психолог ва кутубхона ходимларига жами 37.453.500 сўм ортикча ва нотўғри рағбатлантириш маблағлари тўлаб берилганлиги аниқлангани, 67-мактаб мансабдор шахсларига қўзғатилган жиноят иши бўйича ўтказилган тафтишда 2023-2024 ўқув йилларида мактабнинг 10 нафар ўқитувчилари, яъни ХХга 4.024.200 сўм, ХХга 4.670.000 сўм, ХХга 3.401.400 сўм, ХХга 4.759.500 сўм, ХХга 4.100.200 сўм, ХХга 1.329.400 сўм, ХХга 4.653.300 сўм, ХХга 2.711.300 сўм, ХХга 6.013.000 сўм ва ХХга 6.368.800 сўм мажбурий ушланмалардан ташқари жами 41.203.300 сўмлик устама пуллари, мактаб тарбиячиси ХХга 2021 октябрь-декабрь ойларида 3.000.700 сўм, Қ.Эшназаровга 2021 йил декабрь, 2022 йил январь-февраль ойларида 3.901.000 сўм ва бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишловчи Н.Мусурмоновага 2023 йил сентябрь-декабрь, 2024 йил январь-апрель ойларида 2.084.200 сўм жами 50.189.200 сўмлик бюджет маблағлари нотўғри тўлаб берилганлиги аниқлангани ҳақидаги;

- биринчи инстанция судида сўралган фуқаровий даъвогар Т.Шомуродовнинг, Нуробод туман ҳокимлиги молия бўлимида бош мутахассис вазифасида ишлагани, тумандаги 22-мактаб мансабдор шахслари томонидан 2023-2024 ўқув йилларида мактабнинг 7 нафар ўқитувчиларига мажбурий ушланмалардан ташқари жами 55.139.327 сўмлик устама пуллари, 2022 йил ўқув йилида 19 нафар педагог, психолог ва кутубхона ходимларига жами 37.453.500 сўм ортикча ва нотўғри рағбатлантириш маблағлари тўлаб берилганлиги ҳолати бўйича фақат 55.139.327 сўмлик устама пуллари тергов давомида қоплаб берилганлиги, 37.453.500 сўм рағбатлантириш пуллари қоплаб берилмаганлиги, 67-мактаб мансабдор шахсларига қўзғатилган жиноят иши бўйича ўтказилган тафтишда 2023-2024 ўқув йилларида мактабнинг 10 нафар ўқитувчиларига мажбурий ушланмалардан ташқари жами 41.203.300 сўмлик устама пуллари яъни бюджет маблағлари талон-торож қилинганлиги аниқланганлиги, ушбу пуллар 67-мактаб бўйича тўлиқ тўлаб берилганлиги, 22-мактаб бўйича



тўлаб берилмаган 37.453.500 сўм рағбатлантириш пулларини судланувчи ХХдан давлат фойдасига ундириш ҳақидаги;

- биринчи инстанция судида сўралган гувоҳ ХХнинг, Иштихон туман ихтисослаштирилган мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифасида ишлаши, Нуробод туман прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган жиноят иши доирасида тайинланган тафтиш давомида вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг тегишли буйруғи билан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 823-сонли Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 декабрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сонли Қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 831-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом талабларига асосан Нуробод тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабларида ўрнатилган педагог, психолог ва кутубхона ходимларига ойлик устама ва рағбатлантириш пулларини тўғри тайинланиши ва тўланиши юзасидан ўрганиш ўтказилганлиги, ўрганиш давомида устама белгилаш бўйича педагогларнинг йиғма жилдидаги меъерий ҳужжатларнинг таркиби ўрганилганда, Низомдаги 1-илова “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида берилган баҳо мезонларининг 2-сатр “Фан олимпиадаси ва бошқа кўрик танловлар, мусобоқаларнинг туман (шахар) босқичида ўқувчисининг иштироки бўйича” бирламчи ҳужжатлари,

4-сатр “ўқитувчи иш тажрибасининг оммалаштирилганлиги бўйича” асословчи ҳужжатлари, 8-сатр “Синфдан ташқари ишлар: Ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ижодкорлик ва санъатга қаратилган қўшимча машғулотлар олиб бориш бўйича” асословчи ҳужжатлари, 9-сатр “Ўқитувчининг педагогик фаолиятига баҳоси сўровнома ўтказилганлиги тўғрисидаги” ҳужжатлари мавжуд эмаслиги ҳамда 2-иловадаги баҳолаш мезонлари кўрсаткичларининг 3-4-сатрлар бўйича баллари нотўғри қўйилганлиги ҳолатлари бўйича хато-камчиликлари мавжуд ва ҳужжатлари тўпланмаган бўлса-да, 37 та мактабда 94 нафар педагогларга 121 ҳолатда мажбурий ушланмалардан ташқари қўлга тегишли қисми жами 335.052.454 сўм устама пуллари нотўғри тўланганлиги аниқланганлиги, 67-мактабда ўтказилган текширишда, 2023-2024 ўқув йилларида мактабнинг 10 нафар ўқитувчилари, яъни ХХга 4.024.200 сўм, ХХга 4.670.000 сўм, ХХга 3.401.400 сўм, ХХга 4.759.500 сўм, ХХга 4.100.200 сўм, ХХга 1.329.400 сўм, ХХга 4.653.300 сўм, ХХга 2.711.300 сўм, ХХга 6.013.000 сўм ва ХХга 6.368.800 сўм мажбурий ушланмалардан ташқари жами 41.203.300 сўмлик устама пуллари асосиз берилганлиги маълум бўлганлиги, Низом талаблари



бўйича буйруқ ва баённомалар мавжуд бўлмаганлиги, 10 та ҳолатни ҳам тўлиқ ўрганиб чиққанлиги, бир йиллик ютуқлар келаси йил устамасига ҳам асос бўлиши, баҳолаш мезонида 65 баллдан ошса устама белгиланиши лозимлиги, айрим тегишли, керакли бандлар бўлмаса-да, устама белгиланганлигини ёзганлиги, уларга берилган хатда 2023-2024 ўқув йилини текшириш белгилангани ҳақидаги;

- биринчи инстанция судида сўралган гувоҳ ХХнинг, Пастдарғом туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 53-сонли умумтаълим мактабида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаши, у тумандаги 22-мактаб мансабдор шахслари томонидан 2023-2024 ўқув йилларида мактабнинг 7 нафар ўқитувчилари, яъни ХХга 9.458.404 сўм, ХХга 10.948.756 сўм, ХХга 2.784.782 сўм, ХХга 4.874.839 сўм, ХХга 7.801.184 сўм, ХХга 8.597.978 сўм, ХХга 10.673.384 сўм мажбурий ушланмалардан ташқари жами 55.139.327 сўмлик устама пуллари, 2022 йил ўқув йилида 19 нафар педагог, психолог ва кутубхона ходимларига жами 37.453.500 сўм ортқча ва нотўғри рағбатлантириш маблағлари тўлаб берилганлиги аниқлангани, ХХ билан текширганлиги, 22-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси ХХга берилган устама йиғма жилди ўрганилганда, фан олимпиада ва бошқа кўрик танловларда ўқувчи иштирокини асословчи ҳужжати аниқланмаганлиги ва унга баҳолаш нотўғри қилиниши натижасида 79 балл қўйилганлиги, аслида унга 54 балл қўйилиши лозим бўлганлиги, Низом бўйича 65 баллдан юқори бўлган ходимларга устама берилиши, қолган ўқитувчилар ХХ, ХХ, ХХ, ХХ, ХХ, ХХларга устама пуллари белгиланишида шу каби хатоликка йўл қўйилганлиги, йиғма жилдларда ўқувчи танловда иштирок этганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаганлиги, текшириш пайтида ва кейин ҳам уларга тақдим этилмаганлиги, текширишдан кейин фахрий ёрликнинг нусхалари олиб келинганлиги, асл нусхаси тақдим этилмаганлиги, терговчи рухсат бермагач қўшишмаганлиги, Низомда бошлангич синф ўқитувчисига алоҳида банд мавжудлиги, у бандда инглиз тили ўқитувчиси ҳақида сўз юритилмаганлиги, ушбу ўқитувчиларга 10 ой давомида шу балл билан устама маблағлари нотўғри тўлаб келингани ҳақидаги;

- биринчи инстанция судида сўралган гувоҳ ХХнинг, Пастдарғом туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 85-сонли умумтаълим мактабидат ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлашлиги, Нуробод туман прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган жиноят иши доирасида тайинланган тафтиш давомида вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг тегишли буйруғи билан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 823-сонли Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 декабрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 823-



сонли Қарори ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 831-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом талабларига асосан Нуробод тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабларида ўртак кўрсатган педагог, психолог ва кутубхона ходимларига ойлик устама ва рағбатлантириш пулларини тўғри тайинланиши ва тўланиши юзасидан ўрганиш ўтказилганлиги, ўрганиш давомида устама белгилаш бўйича педагоглarning йиғма жилдидаги меъерий ҳужжатларнинг таркиби ўрганилганда,

низомдаги 1-илова “Умумий ўрта таъли муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-сатр “Фан олимпиадаси ва бошқа кўрик танловлар, мусобоқаларнинг туман (шахар) босқичида ўқувчисининг иштироки бўйича” бирламчи ҳужжатлари, 4-сатр “Ўқитувчи иш тажрибасининг оммалаштирилганлиги бўйича” асословчи ҳужжатлари, 8-сатр “Синфдан ташқари ишлар: Ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ижодкорлик ва санъатга қаратилган қўшимча машғулотлар олиб бориш бўйича” асословчи ҳужжатлари, 9-сатр “Ўқитувчининг педагогик фаолиятига баҳоси сўровнома ўтказилганлиги тўғрисидаги” ҳужжатлари мавжуд эмаслиги ҳамда 2-иловадаги баҳолаш мезонлари кўрсаткичларининг 3-4-сатрлар бўйича баллари нотўғри қўйилганлиги ҳолатлари бўйича хатокамчиликлари мавжуд ва ҳужжатлари тўпланмаган бўлса-да, 22-мактабда 2023-2024 йилда ажратилган устама маблағларини асосли тайинланиши ўрганилганда, жами 13 та ҳолатда устама маблағлари тайинланган бўлиб, устама маблағларининг 9 таси фан олимпиадаси ва синфдан ташқари ишларни оммалаштириш баллари асоссиз ва ошириб қўйилганлиги маълум бўлганлиги, инглиз тили фани ўқитувчиси XXга берилган устама йиғма жилди ўрганилганда, фан олимпиада ва бошқа кўрик танловларда ўқувчи иштироки асословчи ҳужжати аниқланмаганлиги ва унга баҳолаш нотўғри қилиниши натижаси аслида 79 балл қўйилган бўлса-да унга ҳақиқатда 54 балл қўйилиши лозим бўлганлиги, Низом бўйича 65 баллдан юқори бўлган ходимларга устама берилиши, математика фани ўқитувчиси XXга фан олимпиадаси ва бошқа кўрик танловда ўрин олганлигини тасдиқловчи асословчи ҳужжати ишга тикилмаганлиги, унга 89 балл қўйилганлиги, шу боис ундан 30 балл олиб ташланиши натижасида 59 балл қўйилиши лозим бўлганлиги,

бу ходим ҳам устамага нолойқлиги, ўқитувчи XXга 87 балл берилиб устама олиб келганлиги, унинг устама йиғма жилдида синфдан ташқари ишларида камчиликлар мавжудлиги, шу боис 10 балл олиб ташланганлиги, у 20 % устамага лойиқлиги, лекин унга 30 % устама тўланганлиги, рус тили фани ўқитувчиси XXга берилган устама бўйича йиғма жилдда фан олимпиадасида ўқувчи иштирокини асословчи ҳужжати бўлмаганлиги, у 63 баллга лойиқ бўлганлиги, устама олишга нолойқ бўлганлиги, бошланғич фани ўқитувчиси XXга берилган устама йиғма жилди ўрганилганда, 84 балл билан 25 % устама берилганлиги маълум



бўлганлиги, лекин синфдан ташқари ишлари йўқлиги сабабли 15% олинди, 10% устамага лойиқ деб топилганлиги, ўқитувчи ХХга берилган устама йиғма жилди ўрганилганда, 89 балл берилганлиги, лекин унинг фан олимпиадасини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаганлиги сабабли 30 балл ва 30% устама олиб ташланиши натижасида 59 балл билан устама олишга нолойиқлиги аниқланганлиги, ўқитувчи ХХга берилган устама йиғма жилди ўрганилганда, 79 балл билан 20% устама олиб келганлиги, лекин йиғма жилдда фан олимпиадасида ўқувчи иштироки мавжуд бўлмаганлиги, шу сабабли 20 балл олиб ташланганда 56 балл билан устама олишга нолойиқлиги аниқланганлиги, ўқитувчи Х.Турдиқуловга берилган устама йиғма жилди ўрганилганда, 85 балл билан 20 % устама олганлиги, унинг йиғма жилдида синфдан ташқари ишлари йўқлиги аниқланганлиги, шу боис 75 балл ва 20 % устама олишга лойиқ эканлиги маълум бўлганлиги, ўқитувчи ХХга берилган устама йиғма жилди ўрганилганда, 84 балл билан 25 % устама берилганлиги, фан олимпиадасида ўқувчи иштирокини тасдиқловчи ҳужжати йўқлиги боис 30 балл олиб ташланиб, 54 балл билан устама олишга нолойиқ деб топилганлиги, мазкур ўқитувчиларга 10 ой давомида шу балл билан устама маблағлари нотўғри тўлаб келинганлигини, 22-мактабда устамалар текширилганда директор ва ўқитувчилар иштирок этишганлиги, эътироз билдиришмаганлиги, рағбатлантиришни у текширмаганлиги, маълумотларни тайёрлагунча устама бўйича камчиликлар бартараф этилмаганлиги, текширишни яқунлаб, прокуратурага боришганларидан сўнг ҳужжатларни нусхалари олиб келинганлиги, фан олимпиадаси ўтказиш учун туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан буйруқ чиқарилиши лозимлиги ҳақидаги кўрсатувлари;

шунингдек, жинойт иши ҳужжатларидаги Самарқанд вилоят Давлат молиявий назорат бошқармаси томонидан Нуробод тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 22 ва 67-умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилган тафтиш натижаси бўйича тузилган далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар, мутахассис маълумотномалари, ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарори билан тўлиқ инкор қилинади.

Зотан, судлов ҳайъати – шикоятда келтирилган мутахассислар яъни Иштихон туман ихтисослаштирилган мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ХХ биринчи инстанция судида сўроқ қилинган бўлиб, ХХнинг айби суд муҳокамасида текширилган далиллар билан етарли тасдиқланганлиги боис Нуробод туман мактабгача ва мактаб таълим бўлимига қарашли марказлашган ҳисобхона бош ҳисобчи Б.Арабов, 22-умумтаълим мактаби ҳисобчиси С.Арзикулова, ушбу мактаб директор ўринбосари Қ.Эрназаровни судлов ҳайъати мажлисига жалб қилиб, уларни сўроқ қилишнинг зарурати йўқ деб ҳисоблайди.

Қолаверса, биринчи инстанция суди, судланувчи ХХнинг кўрсатувидаги, ...ўқитувчилар С.Умрқулов, ХХ, ХХ, ХХ, ХХларнинг тақдим этган асословчи ҳужжатларини текширувчилар ва терговчи инobatга олмагани, ушбу ўрганиш маълумотларига у имзо қўймагани,



математика фани ўқитувчиси С.Умркуловга тўланган 10.948.756 сўм бўйича “Профессор Пирназар Давранов издошлари” номли билимли ва маҳоратли ўқувчилар беллашувида С.Умркуловнинг 6-синф ўқувчиси Р.Назаровнинг ушбу беллашувида 1-ўринни олганлиги хусусидаги фахрий ёрлик инobatта олинмагани, бу фахрий ёрлик ўқитувчига устама белгилашда 30 балли белгилашга асос ҳисобланиши, шу каби ҳолатлар инглиз тили фани ўқитувчиси ХХ, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси ХХ, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси ХХ, бошланғич синф фани ўқитувчиси ХХлар бўйича ҳам фахрий ёрликлар ҳисобга олинмагани;

–шунингдек, 2022-2023 ўқув йилида 19 нафар педагогларга жами 37.453.500 сўм рағбатлантириш маблағлари нотўғри тўлаб берилган айблов эпизоди бўйича илгари Нуробод тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлинмасининг 2023 йил 17 апрель кундаги 182351/2022-115-сонли хати ва тафтиш ўтказиш тўғрисидаги қарори ҳамда Самарқанд вилоят Давлат молиявий назорат бошқармасининг 2023 йил 27 апрель кундаги 171-сонли буйруғига асосан бош назоратчи-тафтишчи Э.Баратов тамонидан мактабнинг 2020 йил 1 апрелидан 2023 йил 1 апрелига қадар бўлган даврида бюджетдан ажратилган маблағлар ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни шаклланиши ва сарфланиши юзасидан назорат текшириш ўтказилган бўлиб, жиноят аломати йўқлиги учун иш ёпилганлиги ҳолатига прокуратура терговчиси баҳо бермасдан, ушбу эпизод бўйича ҳам уни асоссиз айблаганлиги ҳақидаги вазлари ҳам муҳокама қилинган.

Хусусан, гувоҳ ХХ ўз кўрсатувида, устама маблағлари фан олимпиадаси ва синфдан ташқари ишларни оммалаштириш баллари асоссиз ва ошириб қўйилганлиги маълум бўлганлиги, инглиз тили фани ўқитувчиси ХХга берилган устама йиғма жилди ўрганилганда, фан олимпиада ва бошқа кўрик танловларда ўқувчи иштироки асословчи ҳужжати аниқланмаганлиги ва унга баҳолаш нотўғри қилиниши натижаси аслида 79 балл қўйилган бўлса-да, унга ҳақиқатда 54 балл қўйилиши лозим бўлганлиги, Низом бўйича 65 баллдан юқори бўлган ходимларга устама берилиши, математика фани ўқитувчиси ХХга фан олимпиадаси ва бошқа кўрик танловда ўрин олганлигини тасдиқловчи асословчи ҳужжати ишга тикилмаганлиги, унга 89 балл қўйилганлиги, шу боис ундан 30 балл олиб ташланиши натижасида 59 балл қўйилиши лозим бўлганлиги, бу ходим ҳам устамага нолойқлиги, ўқитувчи ХХга 87 балл берилиб устама олиб келганлиги, унинг устама йиғма жилдида синфдан ташқари ишларида камчиликлар мавжудлиги, шу боис 10 балл олиб ташланганлиги, у 20% устамага лойиқлиги, лекин унга 30% устама тўланганлиги, рус тили фани ўқитувчиси ХХга берилган устама бўйича йиғма жилдда фан олимпиадасида ўқувчи иштирокини асословчи ҳужжати бўлмаганлиги, у 63 баллга лойиқ бўлганлиги, устама олишга нолойиқ бўлганлиги, бошланғич фани ўқитувчиси ХХга берилган устама йиғма жилди ўрганилганда, 84 балл билан 25% устама берилганлиги маълум бўлганлиги, лекин синфдан ташқари ишлари йўқлиги сабабли 15% олиниб, 10% устамага лойиқ деб топилганлиги, ўқитувчи ХХга берилган устама йиғма жилди ўрганилганда,



89 балл берилганлиги, лекин унинг фан олимпиадасини тасдиқловчи хужжати бўлмаганлиги сабабли 30 балл ва 30% устама олиб ташланиши натижасида 59 балл билан устама олишга нолойқлиги аниқланганлиги, ўқитувчи ХХга берилган устама йиғма жилди ўрганилганда, 79 балл билан 20% устама олиб келганлиги, лекин йиғма жилдда фан олимпиадасида ўқувчи иштироки мавжуд бўлмаганлиги, шу сабабли 20 балл олиб ташланганда 56 балл билан устама олишга нолойқлиги аниқланганлиги, ўқитувчи Х.Турдикуловга берилган устама йиғма жилди ўрганилганда, 85 балл билан 20% устама олганлиги, унинг йиғма жилдида синфдан ташқари ишлари йўқлиги аниқланганлиги, шу боис 75 балл ва 20% устама олишга лойиқ эканлиги маълум бўлганлиги, ўқитувчи ХХга берилган устама йиғма жилди ўрганилганда, 84 балл билан 25% устама берилганлиги, фан олимпиадасида ўқувчи иштирокини тасдиқловчи хужжати йўқлиги боис 30 балл олиб ташланиб, 54 балл билан устама олишга нолойиқ деб топилганлиги, мазкур ўқитувчиларга 10 ой давомида шу балл билан устама маблағлари нотўғри тўлаб келинганлиги, 22-мактабда устамалар текширилганда директор ва ўқитувчилар иштирок этишганлиги, эътироз билдиришмаганлиги, рағбатлантиришни у текширмаганлиги, маълумотларни тайёрлагунча устама бўйича камчиликлар бартараф этилмаганлиги, текширишни яқунлаб, прокуратурага боришгандан сўнг хужжатларни нусхалари олиб келинганлиги, фан олимпиадаси ўтказиш учун туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан буйруқ чиқарилиши лозимлигини билдирган.

Нуробод тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан тақдим қилинган 02-10/180-сонли маълумотномада, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги “Иқтидорли ўқувчилар ўртасида фан олимпиадаларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳамда хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактабни аниқлаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 562-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳар йили умумий ўрта таълим мактабларининг 9, 10, 11-синф ўқувчилари ўртасида Асосий фан олимпиадасининг I (мактаб), II (туман, шаҳар), III (вилоят) ҳамда IV (Республика) босқичлари ўтказилиши, бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сонли Қарори ижроси бўйича педагог ходимларни рағбатлантириш мақсадида уларга устамалар белгилашда Асосий фан олимпиадасининг II (туман, шаҳар) босқичи, III (вилоят) босқичи ҳамда IV (Республика) босқичида 1, 2, 3-ўринларни қўлга киритган ғолиб ўқувчиларнинг фан ўқитувчиларига устама белгилаш тавсия этилиши кўрсатилганлиги, асосий фан олимпиадасидан ташқари ташаббус билан ўтказилган ҳар қандай олимпиадалар бундан мустаснолиги қайд этилган.

Суд муҳокамасида ХХ томонидан тақдим этилган ўқувчиларга берилган юқорида номлари қайд этилган ўқитувчиларга устама тўланишида асос қилиб олинган фахрий ёрликлар биринчи инстанция суди томонидан ўрганилганда, “Профессор Пирназар Давронов издошлари” номли билимли ва маҳоратли ўқувчилар беллашувлари туманнинг “Жом ва унинг



атрофидаги мактаблар ўртасида ўтказилган бўлиб, бу асосий фан олимпиадасининг II (туман, шаҳар) босқичи ҳисобланмаслиги, бу ташаббус билан ўтказилган беллашув ҳисобланиши, бу тадбирларга Нуробод тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғининг буйруғи чиқарилмаганлиги аниқланган.

Шунингдек, илгари тумандаги 22-сонли умумий таълим мактабида Нуробод тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлинмасининг 2023 йил 17 апрель кунидаги 182351/2022-115-сонли хати ва тафтиш ўтказиш тўғрисидаги қарори ҳамда Самарқанд вилоят Давлат молиявий назорат бошқармасининг 2023 йил 27 апрель кунидаги 171-сонли буйруғига асосан бош назоратчи-тафтишчи Э.Баратов томонидан мактабнинг 2020 йил 1 апрелидан 2023 йил 1 апрелига қадар бўлган даврида бюджетдан ажратилган маблағлар ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни шаклланиши ва сарфланиши юзасидан назорат текшириш ўтказилган бўлиб, якуни бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ва маъмурий тартибда судга юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Самарқанд Давлат молиявий назорати бошқармаси бош назоратчи-тафтишчиси Э.Баратов томонидан 2023 йил 27 май куни тузилган Нуробод тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 22-умумий ўрта таълим мактабида 2020 йил 1 апрелдан 2023 йил 1 апрелга қадар бўлган даврда бюджетдан ажратилган маблағлар ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни шаклланиши ва сарфланиши текширилган далолатномада, мазкур жиноят иши бўйича 2023-2024 ўқув йилларида мактабнинг 7 нафар ўқитувчиларига, яъни ХХга 9.458.404 сўм, ХХга 10.948.756 сўм, ХХга 2.784.782 сўм, ХХга 4.874.839 сўм, ХХга 7.801.184 сўм, ХХга 8.597.978 сўм ва ХХга 10.673.384 сўм мажбурий ушланмалардан ташқари устама пуллари асосиз тўланган деб эътироф этилаётган ўқитувчиларнинг йиғма жилдлари текширилганлиги, илгари тузилган далолатномада қайд этилмаган ва уларнинг номлари келтирилмаганлиги аниқланган.

Ҳолбуки, умумий таълим мактаби давлат ташкилоти ҳисобланиб, тадбиркорлик субъекти эмаслиги, тергов органининг тегишли қарори ва текшириш ўтказишга ваколатли субъектлар томонидан буйруқ асосида текшириш ўтказилган.

Шу асосларга кўра, биринчи босқич суди судланувчи ХХнинг ушбу вазларини асосли равишда қаноатлантиришдан рад этган.

Бироқ, биринчи босқич суди томонидан судланувчилар ХХ ва ХХнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “г” банди билан тўғри квалификация қилинган бўлса-да, лекин судланувчи ХХнинг қилмиши ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б” банди билан нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддаси 3-қисмида, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмаслиги қайд қилинган.



Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 4-сонли Қарорининг 6-бандида, қилмишни квалификация қилиш учун талон-торож содир этишнинг хусусиятларини (давомли ёки такроранлигини) тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эгаллиги, давомли талон-торож қилиш деб, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил этувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлар билан ўзганинг мулкани қонунга хилоф равишда текин олиб қўйиш (эгаллаб олиш) тушунилиши, давомли жиноятда айбдорнинг хатти-ҳаракати содир этилган барча талон-торож эпизодлари бўйича зарар суммаларини қўшганда ҳосил бўлган миқдордан келиб чиқиб квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатида қаралганда, судланувчи ХХ иш фаолияти давомида биринчи айблов эпизоди бўйича 2022 йил ўқув йилида 19 нафар педагог, психолог ва кутубхона ходимларига 37.453.500 сўмлик ортиқча ва нотўғри рағбатлантириш пуллари; иккинчи эпизод бўйича 2023-2024 ўқув йилларида мактабнинг 7 нафар ўқитувчиларига 55.139.327 сўмлик устама пуллари асосиз равишда тўлаб берилишига, ҳаммаси бўлиб *жами* 92.592.827 сўмлик анча миқдордаги пул маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилинишига сабабчи бўлган.

Бундай ҳолатда, биринчи босқич суди ХХнинг иш фаолияти давомидаги ушбу ҳаракатини давомли жиноят сифатида баҳоламасдан умумий қасд билан қамраб олинган ушбу қилмишини такроранлик белгиси билан квалификация қилиб, хатоликка йўл қўйган.

Қайд этилган асосларга кўра, судлов ҳайъати судланувчи ХХнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б” бандини чиқаришни ва ишнинг ушбу қисмини тугатишни лозим топади.

Судланувчи ХХ ва унинг ҳимоячиси – адвокат Н.Бобобековнинг апелляция шикоятларидаги, судланувчи ХХнинг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жиноят оқибатида етказилган 41.203.300 сўм моддий зарар қопланганлиги, содир этган қилмиши унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кириши, мактабгача ва мактаб таълим бўлими, касаба уюшмаси ҳамда маҳалладан ижобий тавсифланганлиги, оилавий аҳволи, ёлғиз она бўлиб, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, бир нафари ногирон эканлигини инобатга олиб, уни ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилиш ҳақидаги вазлари билан келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасида, жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилайётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Олий суд Пленумининг “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим



масалалари ҳақида”ги Қарорининг 3-бандида, талон-торож миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаган ҳар бир ҳолда суриштирув, тергов органлари ва судлар айбланувчининг (судланувчининг) шахсига оид маълумотларни ҳамда моддий зарарнинг қопланганлигини инобатга олган ҳолда жиноят ишини Жиноят кодексининг 65 ва 66-моддаларига асосан тугатиш масаласини муҳокама этиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Амалдаги қонунчиликка кўра, шароит ўзгариши айбдор шахсни иродасига боғлиқ бўлмаган объектив омил сифатида жиноят содир этилган шароитнинг ўзгаришидан иборат бўлиб, булар бутун давлат миқёсидаги, алоҳида минтақа, айрим корхона, ташкилот ва муассасалар миқёсидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-хўжалик ва ҳ.к. шароитлар бўлиши мумкин.

Ижтимоий хавфлиликнинг йўқолиши деганда эса, ишнинг судда кўрилиши пайтига келиб жиноятни содир этиш ва ижтимоий хавfli бўлган оқибатларнинг юзага келишида таркибий қисм бўлган, шунингдек, ижтимоий хавfli қилмиш содир этганлиги учун жиноий таъқиб этиш учун шартлар бўлиб хизмат қилган ҳолатлар, сабабларнинг бартараф этилиши тушунилади.

Маълумки, жиноят иши доирасида содир этилган жиноий оқибат юзасидан етказилган зарар миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари юқори бўлиб, қолаверса ХХнинг фақатгина моддий зарарни қоплаб берганлиги ҳолатининг ўзини эса – шахс ижтимоий хавfliлигини йўқотди деб баҳолаш учун асос бўлмайди.

Судлов ҳайъати, судланувчи ХХ томонидан содир этилган ушбу жиноят жазога сазовор қилмиш эканлиги, қолаверса у муқаддам айнан шу турдаги жиноятни содир этгани учун суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилингани сабабли, унга яна ЖКнинг 70-моддасини татбиқ этиб, жазодан озод қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчилар ХХ ва ХХга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақидаги тушунтиришларига, ЖКнинг 7-моддасида белгиланган “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”лиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига амал қилиб, уларнинг шахсини тавсифловчи ижтимоий ва объектив омилларни, жазосини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни,



содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, улар айбли деб топилган моддалар санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаб, сўнгра ЖКнинг 45-моддасига асосан уларнинг жиноятларни мансаби ва иш фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда содир этганлигини эътироф этган ҳолда, уларга тайинланган асосий жазога қўшимча жазо тариқасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида қонуний, асосли ва адолатли тўхтамга келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²⁶-моддасида, апелляция инстанцияси суди жиноят ишини кўриш натижаларига кўра, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилиши қайд қилинган.

Юқоридагиларга кўра судлов ҳайъати, апелляция шикоятдаги важлар суд қарорини бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли, суд ҳукмининг судланувчи ХХга оид қисмини ўзгартириб, шикоятини эса қисман қаноатлантиришни, судланувчи ХХга оид қисмини ўзгаришсиз қолдириб, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига кўлланиб, апелляция инстанцияси суди

а ж р и м қ и л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Нуробод туман судининг 2025 йил 4 февралдаги ҳукмининг судланувчи ХХга оид қисми ўзгартирилсин.

Судланувчи ХХнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б” банди чиқарилсин ва ишнинг шу қисми тугатилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Судланувчи ХХга оид қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Судланувчи ХХнинг апелляция шикояти қисман қаноатлантирилсин, судланувчи ХХнинг апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

З.Ибрагимов

Ҳайъат судьялари

О.Набиев

З.Тўраев

